

[REDACTED] СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ  
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ [REDACTED] СОНЛИ  
А Ж Р И М И

2024 йил [REDACTED] ойининг [REDACTED] куни, [REDACTED] суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, видео-конференция алоқа орқали очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья [REDACTED], ҳайъат аъзолари: судьялар [REDACTED] лардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан [REDACTED] прокуратураси жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори [REDACTED], судланувчи ААА ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] ” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED], судланувчи БББ ва унинг ҳимоячиси “ [REDACTED] ” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED] арнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] “а” банди билан ААА ва БББга оид жиноят ишини судланувчи ААА ва унинг ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] ҳамда судланувчи БББ ва унинг ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] лар томонидан берилган апелляция шикоятлари асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] октябрдаги ҳукмига кўра,

ААА, [REDACTED] март куни [REDACTED] нинг Фарғона шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “ [REDACTED] ” юритувчиси вазифасида ишлайди, Фарғона вилояти, [REDACTED]

[REDACTED] уйда яшаганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил муддатга корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ҳамда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш вазифалари юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, сутканинг кечкурун соат 21:00дан эрталаб соат 06:00гача яшаш жойидан чиқишни тақиқлаш йўли билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

БББ ( [REDACTED] ) [REDACTED] сентябрь куни [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, муқаддам судланмаган, юк автотранспорт ҳайдовчиси, [REDACTED]

[REDACTED] яшаганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил муддатга автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, сутканинг кечкурун соат 21:00дан эрталаб соат 06:00гача яшаш



жойидан чиқишни тақиқлаш йўли билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи ААА [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё дарёси бўйида жойлашган [REDACTED] иш юритувчиси вазифасида ишлаб келиб, 2024 йил 28 май куни соат 17:30ларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1996 йил 14 август куни №273-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ишни ташкил қилиш тўғрисида”ги параграфининг 150-бандида, “Ишларни хавфсиз ва тўғри ташкил қилиш, жиҳозлар ва механизмлардан тўғри фойдаланиш ва иш жойларини зарур ҳолатда сақлаш туришни таъминлаш” ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 июнь куни №1582-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари”нинг 1-боб, 3-параграф, 17-бандининг “а”, “б” ва “в” кичик бандларида, “Ишни бошлашдан олдин иш жойларига хавфсизлик зонасини таъминлаш, ишни бажараётган ишчиларнинг ушбу ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи тегишли сертификатлар ва бошқа ҳужжатлар мавжудлигини текшириш, юкларни юклаш, тушириш, ташиш усуллари танилашда ишнинг хавфсиз бажарилиши талабларига жавоб беришини таъминлаш керак” – деб кўрсатилган талаблари бузганлиги, шунингдек, судланувчи [REDACTED] ушбу жамиятда ишончнома асосида “Kamaz [REDACTED]” русумли 20 Т [REDACTED] давлат белгили автокранни бошқариб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 июнь куни [REDACTED]-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари”нинг 1-боб, 5-параграфи, 35-бандининг “г” кичик банди талаблари бузганлиги, яъни, юк илувчи ёки бошқа шахслар бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиши белгиланган бўлсада, темир қувурни тушириш вақтида унинг атрофида бошқа шахслар бўлишига қарамадан, автокранни бошқаришда давом этган ва бунинг натижасида жамиятда ёлланма ишчи бўлиб ишлаган жабрланувчи [REDACTED] ўлими билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг [REDACTED] июндаги №23-сонли хулосасига кўра, марҳум [REDACTED] устига темир қувури тушиб босиб қолиши натижасида ўнг сон суякларини майдаланиб ёпиқ синиши, силжиши, бошининг тепа соҳаси, ўнг қўл 2-бармоқ соҳалари эзилиб йиртилган жароҳатлари, ўнг чакка, пастки жағ ўнг томони, ўмров усти, кўкрак қафаси ўнг томони, чап биллак, ўнг сон, ўнг болдир, ошиқ болдир бўғими соҳалари қонталашлари ва шилинмалари каби жароҳатлари вужудга келганлиги, ушбу жароҳатлар “Ҳаёт учун хавфли” бўлиб, бевосита ўлимга сабаб бўлган.

Судланувчи ААА ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Ганиев шикоятда, судланувчи АААга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб жарима жазосини тайинлашни сўраган.

Судланувчи БББ ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э [REDACTED] шикоятда, судланувчи БББга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, автотранспорт италарини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қисмини чиқаришни аган.



Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича судья А.Эргашевнинг маърузасини, судланувчи ААА ва унинг ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] ҳамда судланувчи БББ ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э.Хидирбаевларнинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни рад қилиш ҳақидаги фикрини тинглаб, судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи ААА ва БББларнинг айби, ўз айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, дастлабки терговда берган ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ [REDACTED], [REDACTED] кўрсатувлари, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, тушунтириш хатлари, судга оид биология экспертизасининг [REDACTED] июндаги №34-сонли хулосаси, суд-тиббий экспертизасининг [REDACTED] даги №23-сонли хулосаси, Сирдарё вилояти бандлик бош бошқармасининг [REDACTED] июндаги меҳнат экспертизасининг хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ходимлари томонидан [REDACTED] июль куни ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Биринчи босқич судининг ҳукмида ифодаланган барча хулосалар асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, судланувчи ААА ва БББларнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи босқич суди, судланувчи АААга жазо тайинлашда уйланмаганлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, унинг айбига иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, судланмаганлигини, оилавий ва моддий аҳволларини, қарамоғида 4 нафар фарзандлари борлигини, жиноятни содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларининг мажмуини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслигини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги қатъий хулосага келиб, унга нисбатан



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 257-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан, яъни корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ҳамда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш вазифалари юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Биринчи босқич суди, судланувчи БББга жазо тайинлашда уйланмаганлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, унинг айбига иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, судланмаганлигини, оилавий ва моддий аҳволларини, жиноятни содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларининг мажмуини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслигини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, уни жамятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 257-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан, яъни автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497-13, 497-16, 497-17, 497-26, 497-31-моддаларига риоя қилиб, апелляция инстанцияси суди

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2024 йил 2 октябрдаги ААА ва БББга оид жиноят иши ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: (имзо)

Ҳайъат судьялари: (имзо)

(имзо)

“нусхаси аслига тўғри”

Вилоят судининг судьяси

